

■ Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзХДП гуруҳлари 2015 йилнинг биринчи ярмида қанча масалани ўрганди?

Ўзбекистон — Ҳиндистон: ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

Ҳиндистон бизнес вакиллари Навоий шаҳри аэропортидаги трансконтинентал интермодал логистика маркази имкониятларига алоҳида қизиқиш билдирмоқда. Айни пайтда ушбу халқаро марказдан дунёнинг бир қатор етакчи мамлакатларига, жумладан, Ҳиндистоннинг Деҳли ва Мумбаи каби саноат марказларига мунтазам рейслар амалга оширилмоқда. Шунингдек, «Жиззах», «Ангрен» махсус индустриал зоналари ҳам ҳиндистонлик ишбилармонлар эътиборини тортмоқда.

Ҳиндистоннинг етакчи компаниялари билан юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш устувори йўналиш ҳисобланади. «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида «Минда» ва «Олив Телекомьюникейшн» компаниялари билан биргаликда амалга оширилаётган муваффақиятли ҳамкорлик бунга мисол бўла олади.

«Новафарм», «Браво Фарм», «Ультра Хелс Кеар» ва «Гуфик Авиценна» қўшма корхоналари фармацевтика соҳасида фаолият кўрсатаётди.

Ўзбекистон тайёр саноат маҳсулотлари, хусусан, талаб юқори бўлган қиммий товарлар, замонавий ва юқори самарали дори-дармонлар, шунингдек, янги турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишга юқори технологияли компанияларни жалб этишдан манфаатдор.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланмоқда. Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Фарғона каби шаҳарларда ҳиндистонлик шифокорлар кардиожаррохлик, нейрожаррохлик, нефрология, онкология, гепатология, ортопедия ва бошқа йўналишларда доимий тиббий кўриklar ўтказмоқда, беморларга зарур маслаҳатлар бермоқда. Тиббиёт ходимлари икки мамлакат клиникаларида ўзаро тажриба алмашмоқда.

Ҳаво транспорти соҳасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш мўҳим йўналишлардандир. Бугунги кунда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Тошкентдан Деҳли ва Амритсар шаҳарларига мунтазам қатновларни амалга оширмоқда.

Маданий-гуманитар алоқалар ҳам фаол ривожланмоқда. 1993 йилдан буён Ҳиндистон техник-иқтисодий кўмаклашиш дастури доирасида мингдан зиёд Ўзбекистон мутахассислари ушбу мамлакатда ахборот технологиялари, инглиз тили, банки иши, кичик бизнес, менежмент, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа йўналишлар бўйича малака оширдди.

Тошкент давлат шарқшунослик институтида хинд тили ўқитилмоқда. 2008 йилдан буён мазкур институтда Махатма Ганди номидаги хиндшунослик маркази фаолият юритмоқда.

Деҳли шаҳридаги Жамия Миллия университетида ўзбек тили ўқитилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон олий таълим муассасалари Ҳиндистоннинг ўндан ортқк университет ва илмий тадқиқот марказлари билан ҳамкорлик қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг қатор институтлари Деҳли, Мумбаи, Пуна шаҳарларидаги илмий марказлар билан ҳамкорликни йўлга қўйган.

Ҳиндистон санъаткорлари «Шарқ тароналари» халқаро фестивалида мунтазам иштирок этиб келмоқда. 2013 йилги халқаро анжуманда хиндистонлик хонанда Рашид Агарвал Гран-прини қўлга киритган.

Мамлакатларимиз спортчилари Ўзбекистон ва Ҳиндистонда ўтказилаётган турли мусобақаларда фаол иштирок этиб келмоқда. Хиндистонда ўзбек миллий кураши ассоциацияси фаолият юритмоқда.

Музокаралар якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси ва Ҳиндистон Республикасининг Қўшма баёноти қабул қилинди. Туризм, ташқи сибсат маҳкамалари ўртасидаги ҳамкорлик бўйича ҳужжатлар, маданият соҳасида 2015-2017 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланди.

Ислом Каримов ва Нарендра Модди оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари ҳар томонлама муҳокама қилинганини, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилганини таъкидладилар. Қўрилган барча масалалар бўйича позиция, қараш ва ёндашувлар якуни ёки ўхшаш экани қайд этилди.

Ўзбекистон ва Ҳиндистонда халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик тарихий, маданий ришталар билан боғланган муносабатлар юксак қадрланади. Ушбу ташриф давомида имзоланган Қўшма баёнот ҳамда ҳукуматлараро ва идоралараро қатор муҳим ҳужжатлар турли соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш учун кенг имконият очади.

Томонлар Ҳиндистон Бош вазирининг ташрифи, олий даражадаги мулоқотлар ўзаро ҳамкорлик ривожига кучли суръат бағишлаганига ишонч билдирдилар. Ташриф ҳамкорлигининг барча йўналишларини қамраб олган ва узоқ истиқболга мўлжалланган стратегик шериклик алоқаларини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Ҳиндистон Республикаси Бош вазирининг мамлакатимизга расмий ташрифи давом этмоқда.

Анвар САМАДОВ,
ЎзА мухбири.

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

СИЁСИЙ ВА ФУҚАРОЛИК МАЪРИФАТИ ТИЗИМИДАГИ ЎҚУВЛАР

Айрим касб-ҳунар коллежларида битирувчиларга дипломларини беришдан олдин улардан ишга жойлашгани тўғрисида маълумот олиб келиб топшириш талаб қилинмоқда. Яъни, битирувчиларни ишга жойлаштириш масаласи уларнинг ўзларига ташлаб қўйилмоқда.

ЎзХДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамкорлигида ўтказилган семинар тренингда шу каби саволларга ҳам жавоб изланди, уларнинг ечими юзасидан таклифлар билдирилди. Семинар Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг режасига асосан жорий йилнинг 3-чорагида ўтказиладиган «2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси доирасида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш ишларининг аҳоли ва унинг самарасини ошириш истиқболлари» тўғрисидаги парламент эшитувига тайёргарлик кўриш мақсадида ташкил этилди.

ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Улугбек Вафоев партиянинг дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, аҳоли иқтимоий муҳофазасини таъминлашда фракция ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари салоҳиятидан унумли фойдаланиш кераклигига эътибор қаратди.

— Бугун биз ҳар бир айтилаётган таклифни пухта ўйлаб, таҳлил қилган ҳолда амалиётга татбиқ этсак, бандлик масаласидаги муаммолар ечим топиши шубҳасиз, — деди у. — Бунинг учун, аввало, ҳудудлар ва иқтисодий тармоқларнинг иш ўринларини яратиш бўйича имкониятларидан келиб чиқиб, бандлиқнинг самарали шакллари

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

ЯГОНА ПОРТАЛ: ФУҚАРОЛАР УЧУН КАТТА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

Шу ўринда савол туғилади. Аҳоли муносабатларида давлат органлари қанчалик ҳолис ва аниқ жавоб бераётганини билиш мумкинми? Портал орқали асосан қимматли муносабат қилмоқда, уларни ҳал этишда нисбатан аниқроқ қаратилмоқда? Порталнинг фуқароларнинг муносабати ва фикр-мулоҳазаларини ўрганиш имкониятларидан қай даражада фойдаланилмоқда?

Ушбу саволларга «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш маркази мутахассиси Нигора Умарова шундай жавоб берибди:

— Очқиклик ва ошқоралиқни таъминлаш демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Ривожланган демократик давлатлар тажрибаси бунга тасдиқлайди. Порталда муносабатларга давлат идоралари муносабатларини 5 баллиқ тизимда баҳолаб бориш ҳамда изох қолдириш имкони яратилган. Мисол учун, жорий йилда ишга тушган Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг «Бино бузилиши ҳақида маълумот олиш» хизматида 603 фуқаро фойдаланиш учун муножаат юборган. Фуқаролардан 18 нафари хизматни баҳолашган. Улардан 15 киши хизматга юқори баҳо берган.

Бугунги кунда my.gov.uz сайтида иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг турли жабҳаларини ўз ичига олган 245 дан зиёд хизмат тақдим этилган. Бундан ташқари, тадбиркорлар учун турли соҳаларда тегишли лицензиялар олиш учун аризалар жўнатиш хизмати ташкил қилинган.

Давлат органларининг фойдаланувчилар аризалари ва муножаатларини кўриб чиқиш ҳолати тўғрисида ахборот берадиган «Статистика» модули ягона порталнинг асосий элементларидан биридир. Ушбу модул давлат органлари фаолиятининг очик ва ошқоралигини таъминлашга қаратилган бўлиб, бу келгусида давлат органлари ҳамда аҳоли ўртасида ўзаро ҳамкорлик самара-

дорлигини оширишга ёрдам беради. Ягона портал орқали 23 йўналишда хизматлар йўлга қўйилган бўлиб, 600 давлат бошқаруви органи ва уларнинг бўлинмалари порталга уланган.

Портал ишга тушганидан бери унга 250 мингдан ортқк муножаат келиб тушган бўлиб, уларнинг аксарияти юридик шахслардандир. Бу эса Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали тадбиркорликка оид масалалар тез ва осон ечилиётганидан дарак беради.

Порталда 2015 йилнинг 6 январидан «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таъсирини баҳолаш тизими» йўлга қўйилди. У орқали қонун ҳужжатларини интернет орқали муҳокама қилиш мумкин бўлиб, тадбиркорларнинг фаолиятига кенг йўл очиб бериш юзасидан ишлар олиб боришмоқда. Ушбу тизим ишга тушганидан буён тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга оид қонун ҳужжатлари порталда муҳокама қилиб боришмоқда. Муҳокама иш-тироқчилари томонидан берилган таклифлар тегишли лойиҳа ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқувчилар — давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари томонидан кўриб чиқилди.

Ҳозиргача Ягона порталда 131 та қонун ҳужжати муҳокамага қўйилган бўлиб, шулардан 19 таси муҳокама жараёнида, 104 тасининг муҳокамаси якунига етган, 8 та ҳужжат лойиҳаси тасдиқланган. Қонун ҳужжатлари лойиҳасини баҳолаш жараёнида 282 фикр қолдирилган бўлиб, уларнинг 81 тасига жавоб берилган.

Аҳоли фаровонлигини ошириш, давлат ташкилотларига муножаат этишда қўлайлиқлар яратиш учун келгусида «Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб ваарағига бадаллар реестрини қабул қилиш ва қайта ишлаш», «Фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимига ҳисобга олиш», «Кадастр хизматида адвокатлик сўровномасини олиш», «Исқиклик билан таъминлаш (иситиш, вентиляция, исқик сув таъминоти) тармо-

ривожлантириш лозим. Шунингдек, демографик ва меҳнат бозори омилларини ҳисобга олиш зарур. Белгиланган дастур ижроси устидан парламент назоратини қўнайитириш, маҳаллий вақиллик органларида депутатлик назоратини изчил олиб бориш, меҳнат қўнчилиги талабларини кенг тушунитириш йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этишда муҳим ўрин тутди.

— Яқинда республикаимизнинг барча ҳудудларида фракциямиз аъзолари томонидан 300 га яқин учрашув ўтказилди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва иқтимоий масалалар қўмитаси раиси, ЎзХДП фракцияси аъзоси Ёқуб Умаров. — Уларда 36 мингдан зиёд сайловчи билан учрашдик. Сўхбатлар давомида аҳолини ўйлантираётган масалалар ва мавжуд таклифлар билан танишдик. 1300 дан ортқк турли мазмундаги саволлар ўртага ташланди. Аксарияти ўз жойида ечим топди. Фракциямиз бандлик дастури ижроси ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратди. Бандлик юзасидан ўртага ташланган масалалар бўйича таклифлар ишлаб чиқилиб, уларни парламент эшитувига тайёрлаш борасида чора-тадбирлар қўрилмоқда.

— Партияимизнинг Ҳаракат дастурида ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларини битирган ёшларни ишга жойлаштириш учун қўшимча шароитлар ва имко-

ятлар яратишга қаратилган аниқ

вазифалар белгилаб қўйилган, — дейди ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири Боймурод Юсупов. — Сўнгги йилларда коллеж битирувчилари бандлигини таъминлаш кафолатларини мустаҳкамлаш бўйича муҳим ишлар амалга оширилди. Жумладан, уларни синов муддатисиз ишга қабул қилиш тўғрисидаги меъёр жорий қилинди, халқаро амалиётга мувофиқ ишга жойлаштириш бўйича нодавлат ташкилотларнинг хизматларига ҳуқуқий мақом берилди. Худудий дастурларни мониторинг қилиш, битирувчиларни ихтисослиги ва таълим йўналиши бўйича ишга жойлаштириш шартлари белгиланди. Албатта, ушбу қонуний меъёрларни ҳаётга изчил татбиқ этишда Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари, партия гуруҳлари ва фаоллари ўзаро ҳамкорликда иш юритиши талаб этилади.

Парламент томонидан қабул қилинган «2015 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури» ижроси юзасидан олиб борилган ўрганишлар натижасида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётини ўташи, маълум идора ва ташкилотларнинг комплекс чора-тадбирларни амалга ошириши каби масалаларда айрим муаммолар кузатилаётганини кўрсатмоқда.

Жумладан, қўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, йигит-қизларни эгаллаган мутахассисликларини ҳисобга олган ҳолда, ишга жойлаштириш, уларни тадбиркорлик

фаолиятига кенг жалб этиш, бунди, айниқса, қишлоқ жойларда ривожлантириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Шунингдек, семинарда битирувчиларнинг касбий маҳорати замон талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги, ёшларнинг ўз мутахассислиги бўйича ишлаб кетишига касбий малака етишмаслиги сабаб бўлаётгани ҳам айтиб ўтилди.

Коллежлар томонидан расмий тақдим этилаётган материаллар ва маълумотномаларда ноҳолис ахборотларни акс эттириш ҳоллари учраб турибди. Ушбу ҳолат статистика маълумотларини шакллантириш, вазиятни тўғри таҳлил қилишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Айрим касб-ҳунар коллежларида битирувчиларга дипломларини беришдан олдин улардан ишга жойлашгани тўғрисида маълумот олиб келиб топшириш талаб қилинмоқда. Яъни, битирувчиларни ишга жойлаштириш масаласи уларнинг ўзларига ташлаб қўйилмоқда. Бундай салбий ҳолатлар ёшлар ишга жойлашгани тўғрисида нотўғри маълумотлар шаклланишига ҳам сабаб бўлмоқда.

Семинарда 2015 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижросидаги ютүк ва камчиликлар атрофида таҳлил қилинди.

Парламент эшитувига тайёргарлик кўриш юзасидан тегишли таклифлар ишлаб чиқилди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Салаватдин Худойберганов,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Ягона интерактив давлат хизматлари портали одамларнинг ҳаётига чуқур кириб бормоқда. Аҳоли муножаатларининг қабул қилиниши ва бунга қонун ҳужжатлари асосида жавоб қайтарилиши аввало фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ўстиришга, қонун устуворлиги таъминланишига хизмат қилмоқда. Порталда, айниқса, партияимиз электорати вақиллари бўлган кам таъминланган, ногирон, иқтимоий ҳимояга муҳтож кишилар учун ҳам қатор қўлайлиқлар яратилган.

Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, партияимиз давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида очқиклик таъминланишини, фуқароларнинг муножаат қилиш борасидаги ҳуқуқлари кафолатланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

Ягона интерактив давлат хизматлари портали шу кунгача қанчадан қанча фуқароларнинг оғирини енгил қилди, вақтини, сарф-харажатларини тежади. Ўз саволларига портал орқали жавоб товлан юртдошларимизнинг фикрлари бунга яққол мисолдир:

М. Акрамов:

— Жуда тезкор равишда муножаатимни кўриб чиққанларингиз учун катта раҳмат. Масъулиятлигингиз ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда бефарқ бўлмаганлигингиз учун Сизга ва ИИБ раҳбариятига ўз миннатдорчилигимни билдирман.

С. Аллабердиев:

— Муножаат қилинган куннинг эртасига келиб, барча камчиликларни бартараф этишди. Сизлардан жуда миннатдорман.

С. Хашимов:

— Тезкорлигингизга яна бир марта раҳмат. Қанчадан қанча одамларнинг вақтини тежайдиган иш қилиясизлар. Бир маълумотни олиш учун қанчадан қанча навбат кутишар эди. Мана, энди бунга ҳоҳат қолмади. Яна бир марта раҳмат!

Сир эмаски, айрим саволларга жавоб олиш ёки ҳужжат ишларини тўғрилаш учун давлат идораларига баъзан бир неча марта боришга тўғри келади. Бунга қанча вақт, асаб ва яна қанча микдорда маблаг сарфланади. Портал орқали эса сиз уйингиздан қимқасдан саволларингизга жавоб олишингиз мумкин.

Бобур ЭЛМУРОВОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ
МАҲАЛЛИЙ КЕН-
ГАШЛАРИДАГИ ЎзХДП
ГУРУҲЛАРИ БАНДЛИК
ДАСТУРИ ИЖРОСИНИ ИЗЧИЛ
ЎРГАНИБ БОРМОҚДА.

■ ЎзХДП НОГИРОНЛАР МЕҲНАТ ҚИЛИШИ УЧУН
ИХТИСОСЛАШГАН КОРХОНАЛАР ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ
АНИҚ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ, ЖУМЛАДАН,
УШБУ МАҚСАДДА ДАВЛАТНИНГ МАРКАЗЛАШГАН
САРМОЯЛАРИ ҲИСОБИДАН БУНДАЙ КОРХОНАЛАР
ТАРМОФИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАРАФДОРИ.

Иқлимнинг ўзгариши ҳар биримизга таъсир қилади. Бу эса муаммони ҳаммамиз биргаликда ҳал қилишимиз зарурлигини англатади.

O'ZBEKISTON OVOZI

2015-yil 7-iyul. Seshanba
78 (31.981)-son
www.uzbekistonovozi.uz

3

■ ГЛОБАЛ МУАММО

Трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш борасида

Марказий Осиё давлатларининг ўзаро келишуви минтақа ривожидида муҳим ўрин тутати

■ БМТ бош котиби Пан Ги Мун Марказий Осиё давлатларига қилган сафаридан олдин мазкур ташкилот матбуот марказига берган интервьюни қисқартирилган ҳолда эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

— Бу Сизнинг Марказий Осиёга қилаётган иккинчи сафарингиз бўлади. Минтақадаги давлат раҳбарлари билан учрашувларда қандай масалаларда суҳбатлашмоқчисиз?

— 2010 йилда Марказий Осиёга биринчи марта борган эдим. Бу галги сафаримдан қўзланган асосий мақсад минтақанинг трансчегаравий муаммолари, жумладан, экологик, сув ва энергия масалаларини ҳал қилиш, наркотик моддалар савдоси ҳамда трансчегаравий жиноятларга қарши ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш, ушбу мақсад йўлида меҳнат қилаётганларни рағбатлантиришдир.

Умид қиламанки, ўзаро ҳамкорлик юзасидан ўтказилган суҳбатларимиз кутилган натижани беради. Минтақа давлатлари қўллаб-қувватловчи мақсадни ечим юзасидан изланишлар олиб бормоқда. Алоқалар шу шаклда ривожланиши тарафдориман.

Бундан ташқари, мазкур давлатларда Мингйиллик ривожланиш мақсади йўлида қилинаётган ишларни, 2015 йилдан кейинги устувор йўналишларни муҳофама қилишни режалаштиришган.

Кундан-кунга қуриб бораётган Орол денгизи минтақада бир қатор муаммоларни

келтириб чиқармоқда. Ушбу денгиз бир пайтлар жажоннинг тўртинчи энг катта кўли ҳисобланарди. Сўнгги ўн йилда эса денгизнинг 70 фоизи қуриб бўлди.

Бугунги кунга келиб минтақада ижобий ўзгаришлар ҳам кузатилмоқда. Мен Осиё-Кавказ-Европа транспорт алоқалари йўлга қўйилишини ва бу ерда савдо-сотиқ ишларининг янада кенгайишининг тарафдориман. Бу мамлакатлар манфаатларига хизмат қиладиган катта лойиҳа бўлади.

Шунингдек, БМТ томонидан сентябрь ойида ўтказилган саммитда Марказий Осиё давлатлари фаол иштирок этишларидан умидвориман.

— Яна бир муҳим масала бу иқлимнинг кескин ўзгаришидир. Марказий Осиё давлатлари ҳам бундан азият чекмоқда. Орол денгизига қўйиладиган асосий икки дарёдаги сув масаласи ҳам ечимини топгани йўқ. Нима деб ўйлайсиз, минтақа давлатлари мазкур муаммони еча олишадими?

— 2010 йилда Орол денгизига борганимиз, у ердаги манзарани жуда яхши эслайман. Мазкур ҳалокат кеча бошлангани йўқ. Унинг тарихи анча узун. 60-йилларда денгиз қисқаришни

бошлади, мавжуд сувнинг 60 фоизи йўқотилди ва ундаги туз миқдори ошиб борди. Бу эса минтақада иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни келтириб чиқарди. Уша пайтда Оролбўйига боришдан асосий мақсадим иқлим ўзгариши борасида зарур сиёсий қарор қабул қилиш, ушбу ҳудуд аҳолисининг ҳавфсизлигини таъминлаш, минтақанинг ривожланишига ҳисса қўиши эди. Мингйиллик ривожланиш дастури асосида жажон ҳамжамияти эътиборини мазкур фожиага қаратишни

Марказий Осиёда иқлим ўзгариши оқибатида тоғлардаги муз қатламларининг эриётгани ҳам жиддий муаммо саналади. Минтақанинг асосий суви, хусусан, Орол денгизига бориб қўйилиши керак бўлган сувлар мазкур музлардан ҳосил бўлади. Ушбу музликларнинг эриши жуда катта экологик фожиага олиб келади, Орол денгизининг қуришини янада тезлаштиради.

Бундан ташқари, БМТ минтақадаги давлатлар ва хайрихоҳ бўлган ташкилотлар билан иқлим ўзгаришининг олдини олиш, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш юзасидан ҳамкорлик қилмоқда. Албатта, иқлим ўзгаришидек катта муаммони бартараф этишда Марказий



Марказий Осиёда иқлим ўзгариши оқибатида тоғлардаги муз қатламларининг эриётгани ҳам жиддий муаммо саналади. Минтақанинг асосий суви, хусусан, Орол денгизига бориб қўйилиши керак бўлган сувлар мазкур музлардан ҳосил бўлади. Ушбу музликларнинг эриши жуда катта экологик фожиага олиб келади, Орол денгизининг қуришини янада тезлаштиради.

Бундан ташқари, БМТ минтақадаги давлатлар ва хайрихоҳ бўлган ташкилотлар билан иқлим ўзгаришининг олдини олиш, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш юзасидан ҳамкорлик қилмоқда. Албатта, иқлим ўзгаришидек катта муаммони бартараф этишда Марказий

Осиё давлатлари билан биргаликда иш олиб бориш жуда муҳим.

Аслида иқлимнинг ўзгариши ҳар биримизга таъсир қилади. Бу эса муаммони ҳаммамиз биргаликда ҳал қилишимиз зарурлигини англатади. Мен минтақа давлатларидан бўладиган қўллаб-қувватлашни сабрсизлик билан кутяпман. Шундагина иқлим ўзгариши борасида барчанинг манфаатлари инобатга олинган келишувга эришимиз мумкин.

— Нима деб ўйлайсиз, трансчегаравий сув ресурсларидан ўзаро келишув асосида фойдаланиш ва бошқариш масаласида ҳал қилувчи қарор қабул қилиш вақти келмадими?

— Марказий Осиё мамлакатларининг умумий сув ресурслари бир-бирига боғлиқ. Шунингдек, озик-овқат маҳсулотлари ва энергетика масалаларида ҳам бу ҳолат кузатилади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу ресурслар

чекланган. Бу ҳолат яқин йиллар ичида янада ортиши кутилмоқда.

Иқтисодиётнинг ўсиб бориши натижасида рақобат кучаяди, турли келишмовчиликлар рўй беради. Натижада трансчегаравий дарёлар сувидан фойдаланадиганлар манфаати тўқнашади.

Шу пайтгача бу борада ҳамма томонни бирдай қониқтирадиган келишувга эриша олганимиз йўқ. БМТ минтақадаги давлатлар ўртасида сувдан фойдаланишда ҳар томонлама манфаатли келишувни таъминлаш борасида жиддий иш олиб бормоқда. Трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш масаласида Марказий Осиё давлатларининг ўзаро келишуви минтақа ривожини янада тезлаштиради. Айнан трансчегаравий дарёлар борасидаги келишув тараққиётнинг муҳим босқичи бўлиши шубҳасиз...

Темур Абзам тайёрлади.



Рухий ҳолат

чой ёрдамида тикланади

Бугунги фан чойнинг фойдаси ҳақида аниқ маълумотлар бера олади. Айниқса, қора чойдан кўра, кўк чойнинг фойдаси ҳақида кўп гапирилади. Лекин қора чойнинг ҳам фойдаси кам эмас. Бунга Британия олимлари ўтказган тадқиқот натижалари тасдиқлайди.

Лондон университети коллежининг тадқиқотчи олимлари ўтказган тажрибага кўра, оддий қора чойни доимий равишда истеъмол қилиш руҳий сиқилишнинг даврийлигини камайтиради.

«Psychopharmacology» журналида хабарига кўра, 6 ҳафталик тажрибада 75 иштирокчи катнашди. Улар икки гуруҳга ажратилди, яъни биринчи гуруҳга 6 ҳафта давомида оддий қора чой дамламаси берилган бўлса, иккинчи гуруҳга эса чойнинг таъмини ва рангини берувчи, кофеини ҳам меъёрга сақланган, лекин чойдаги бошқа моддалардан «маҳрум этилган» ичимлик берилди.

Тажриба давомида уларга руҳий таъсир чоралари қўлланди, яъни ишдан бўшатилиши ёки супермаркетдан махсулот ўтириқчилиги ҳақидаги ва бошқа турли «бошогриқ» хабарлар билан (аслида булар ёлгон хабарлар эди) уларнинг юрагини «сиқилди».

Бу тест жараёнида тугагач, уларнинг қон босимлари ва томир уриши ҳамда қондаги кортизол даражаси ўлчанди. Натижа шу бўлдики, уларнинг барчасида курсаткич деярли бир хил эди — қон босими кўтарилган, томир уриши меъёрдан ошган, қондаги кортизол даражаси ҳам бузилган эди.



Шундан сўнг, доимий равишда оддий қора чой дамламаси берилган биринчи гуруҳдагиларнинг руҳий ҳолати иккинчи гуруҳдагиларга қараганда анча тез тикланган, ҳатто қондаги кортизол даражаси биринчи гуруҳда чой истеъмолидан кейин (50 дақиқадан сўнг) 47 фоизга камайган, иккинчи гуруҳда эса атиги 27 фоизга тушган ҳолос. Бундан ташқари, инсулът ёки инфаркта олиб келувчи ортиқча тромбоцитларнинг ҳам камайиши кузатилди (биринчи гуруҳда).

Тадқиқот раҳбари бўлиш Андрю Стептоунинг айтишича, оддий чойдаги қайси модда айнан бундай муваффақият қилиб бўлиб хизмат қилганлиги номуайян. Лекин оддий чойдаги катехинлар, полифеноллар, флавоноидлар ва аминокислоталар нейротрансмисмитерлар бош миёга ўзаро таъсир этиши аниқ.

Поезд чўққига чиққач,

кислород сийраклашади. Шу боис...

Бугунги кунда темир йўл тармоғи дунёнинг турли ҳудудларидан, аниқроғи, тоғу тошларга чуқур даралардан, сув ҳавзаларино бепоён чўллардан ўтгани, кишилик жамияти ривожини бу пўлат изларисиз тасаввур қилиш қийин.

Хитойни Тибет билан боғловчи темир йўл дунёдаги энг баланд темир йўл, дея эътироф этилади. У Ҳимолай тоғлари орқали 5072 метр баландликдан ўтади. 1400 километр узунлигидаги бу темир йўл Шимол-ғарбий Ҳитойдаги Цинхай музофотининг Гормо шаҳридан Тибет пойтахти Лхасага қўзилган.

Мазкур коммуникация тармоғи 2006 йилда фойдаланишга топширилган ва уша пайтгача дунёдаги энг баланд темир йўл, деб эътироф этиб келинаётган Перунинг Анд тоғларидаги йўлдан 225 метр баланддан ўтганлиги билан эътиборга лойиқдир.

Маълумки, 5 минг метр баландликда кислород сийрак бўлади. Шунинг учун поезд вагонлари кислород ишлаб чиқарувчи махсус ускуналар билан жиҳозланган. Бундан ташқари, поезд Ҳимолай музликларидан ўтаётганда одамлар кўзи қамашмаслиги учун унинг ойналари ультрабинафша «филтр» билан ниқобланган, дейилади «Associated Press» ахборот агентлиги хабариди.

Нилуфар ҲУСАНОВА тайёрлади.

■ РЕКЛАМА ЎРНИДА

«Ўзсаноатқурилишбанк» сармоялари оилалар фаровонлигига йўналтирилмоқда



■ Акциядорлик тижорат «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ва янги иш ўринлари яратишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлантириш, миқозларга турли банк хизматлари кўрсатиш юзасидан эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, банкнинг умумий капитали 762,9 миллиард сўми, устав капитали эса 622,5 миллиард сўмини ташкил қилди.

Банк томонидан Президентимизнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан жорий йилнинг ўтган вақти давомида тадбиркор аёлларга

32620,0 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Шунингдек, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун ҳўжалик юритувчи субъектларга 40038,0 миллион сўм, маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга 104226,7 миллион сўм, озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга 74948,8 миллион сўм кредит маблағлари йўналтирилди. Қолаверса, коллеж

битуручиларига ҳам ўз бизнесларини йўлга қўйишлари учун 8475,1 миллион сўм имтиёзли кредитлар, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчилик йўналишига эса 6867,0 миллион сўм кредитлар ажратилди.

Бундан ташқари, банк томонидан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурлар ижросини таъминлаш мақсадида қўллаб-қувватлаш амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, ўтган 6 ой давомида 138 та лойиҳани молиялаштириш учун жами 37,7 миллиард сўм кредит ажратилди. Жумладан, саноат тармоғида 53 та лойиҳага 25,1 миллиард, хизмат кўрсатиш соҳасида 52 та лойиҳага 8,3 миллиард, қишлоқ ҳўжалик соҳасида 33 та лойиҳага 4,4 миллиард сўм кредитлар берилди. Ушбу ажратилган кредитлар ҳисобига 1276 та янги иш ўрни яратилди.

Мисол учун, Сурхондарё вилоятида «Кавсар мадад» хусусий корхонасига шифер ишлаб чиқаришни ташкил қилиши учун 600 миллион сўм кредит ажратилди ва 13 та янги иш ўрни яратилди. Шунингдек, Андижон вилоятида «Андижон Вита Сервис» МЧЖга тибиётда фойдаланиладиган этилатсатит ишлаб чиқаришни ташкил қилиши учун 150 миллион сўм кредит йўналтирилиши натижасида 12 та янги иш ўрни очилган бўлса, Навоий вилоятидаги «Навоий пряжа» ишлаб чиқариш

корхонасига синтетик тола ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун ускуна сотиб олишига ажратилган 300 миллион сўм кредит ҳисобига 10 нафар ёш иш билан таъминланди. Қолаверса, Хоразм ви-

лоятидаги «Хонқа паррандачилик» МЧЖга ҳам ўз фаолиятини ривожлантириш учун 700 миллион сўм кредит ажратилди ва 20 та янги иш ўрни яратилди.

Шунингдек, банк кредитлари орқали ўз бизнесини йўлга қўйиб, оиласи фаровонлигини таъминлаш билан бирга янги иш ўринлари ташкил этаётган миқозлар сони кўпчиликини ташкил қилмоқда.

Азат АБДУЛЛАЕВ, «Урганч махсус транс комплекс» маъсулияти чекланган жамияти раҳбари: — Корхонамиз металлга қайта

ишлов бериш орқали сифатли ва замонавий эшик ва дарвозалар ишлаб чиқариб аҳолига етказиб бормоқда. Ўтган вақт мобайнида маҳсулотимизга талаб ортгани боис, ишлаб чиқаришни янада кенгайтиришни режалаштирдик. Шу боис «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Хоразм минтақавий филиалининг кредит турлари билан кизикдик. Кредит бизнинг фаолиятимизга мослигини инобатга олган ҳолда банкка мурожаат этдик.

Тез фурсатда 130,5 минг АҚШ доллари миқдорида кредит олдик ва Хитойда ишлаб чиқарилган пресс-ускуна ва дастгоҳлари сотиб олдик. Натижада корхонамизда махсулот ишлаб чиқариш ҳажми икки баробарга ортди. Қолаверса, фаолиятимиз кенгайтириш тўғрисида 8 та янги иш ўрни яратилди. Амалга оширилган саъй-ҳаракатлар ҳамда банк кредитлари ҳисобига бугунги кунда корхонамиз тўла қувватда ишлаб, аҳолига ҳар хил турдаги махсулотлар етказиб бормоқда.

Хулоса қилиб айтганда, акциядорлик-тижорат «Ўзсаноатқурилишбанк» ва унинг жойлардаги филиаллари томонидан амалга оширилаётган ишлар миқозларнинг банкка бўлган ишончи ортишида янги иш ўринлари яратилишида бош омил бўлмоқда.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 7 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийидаги қийматини белгилади:*)

■ 1 Австралия доллари	1914,43
■ 1 Англия фунт стерлинги	3982,99
■ 1 Дания кронаси	377,57
■ 1 БАА дирҳами	697,11
■ 1 АҚШ доллари	2560,42
■ 1 Миср фунти	327,00
■ 1 Исландия кронаси	19,35

■ 1 Канада доллари	2030,79
■ 1 Хитой юани	412,51
■ 1 Россия рубли	46,05
■ 1 Украина гривнаси	121,82
■ 1 Малайзия ринггити	672,73
■ 1 Польша злотийси	672,41
■ 1 СДР	3582,90

■ 1 Туркия лираси	943,83
■ 1 Швейцария франки	2712,60
■ 1 ЕВРО	2838,42
■ 10 Жанубий Корея вони	22,77
■ 10 Япония иенаси	209,22

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

